

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йигилишининг
2014 йил 30 декабр даги
84/12-19 -сонли қарорига илова

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш
департаментининг
НИЗОМИ

Тошкент-2014

1. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, банкнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, департамент ўз фаолиятини ушбу ҳужжатлар ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига асосланган ҳолда ташкил этади.

2. Мазкур Низом Марказий аппаратнинг Қишлоқ хўжалигини кредитлаш департаментнинг (барча кейинги ўринларда “Департамент” вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

3. Департамент Марказий аппаратнинг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, унинг штат жадвали Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

4. Департамент бошлиғи Бошқарув раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

5. Департаментнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги тузилмалардан иборат:

а) Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси, унинг таркибида:

1) Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўлими;

2) Қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитларини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими;

3) Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муаммоли кредитлари билан ишлаш бўлими;

б) Имтиёзли кредитлаш бошқармаси, унинг таркибида:

1) Пахта ва ғалла ҳосилини кредитлаш бўлими;

2) Пахта ва ғалла ҳосилини етиштирилишини мониторинг қилиш бўлими;

в) Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар билан ишлаш бошқармаси, унинг таркибида:

1) Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб жамғармаси билан ишлаш бўлими;


2) Қишлоқ хўжалик техникасини ҳисоб-китоб жамғармаси билан ишлаш бўлими.

6. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари мазкур Низомга илова қилинади.

7. Департаментда иш юритиш тартиби банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосланган ҳолда олиб борилади.

2. Вазифалари ва функциялари

8. Департаментнинг асосий мақсади - кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни



чуқурлаштириш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашдан иборат бўлиб, Молия вазирлиги хузуридаги Жамғарма ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши ҳамда ушбу маблағларни қайтарилишини назорат қилиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарига тижорат кредитлари ажратиш ва уларнинг мақсадли ишлатилиши ва ўз вақтида сўндирилишини таъминлашдан иборатдир.

9. Ушбу мақсадларга эришиш учун Департамент куйидаги вазифаларни бажаради:

а) қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш фаолиятини мувофиқлаштиради, Банк Бошқарувининг Департамент фаолиятига тегишли иш режалари ва қарорларини бажарилиши юзасидан назорат олиб боради;

б) ўз фаолиятига тегишли масалалар юзасидан банкнинг ҳудудий бошқармаларига кўрсатмалар ва тушунтиришлар беради, ҳисоботларни тўплайди;

в) қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун амалдаги кредитлаш тартибларини янада такомиллаштириш учун банк Бошқарувига таклифлар киритади;

г) ўз фаолиятига оид масалалар буйича ички ва ташқи аудит хулосаларини ўрганиб чиқиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

д) қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилаётган кредитлар мониторингини юритади ва кредит портфелида тўғри акс эттирилишини назорат қилади;

е) Молия вазирлиги хузуридаги Жамғарма томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларига ажратилаётган ресурсларни Бош келишувда белгиланган муддатларда мақсадли ишлатилишини назорат қилади ва таҳлил қилади;

ж) давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун Жамғармалар томонидан ажратилаётган маблағларни “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар орқали жойларга ўз вақтида етказиб берилишини назорат қилади;

з) “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси ва унинг “Ўзмашлизинг” шўъба корхонаси билан тузилган шартномалар бўйича барча ҳисоб-китоблар юзасидан молиявий хизмат кўрсатади;

и) ҳосилдорлиги паст фермер хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган мақсадли маблағлар сарфланишини назорат қилади;

к) пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовут маблағларини сарфланиши бўйича маълумотларни умумлаштиради ва раҳбариятга киритади;

л) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги **Ақолунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари** ҳамда банк Уставига мувофиқ Департамент фаолиятига тегишли бўлган бошқа

185
2015 yil - 16 - 21.04.2015 3
imko

масалаларни ҳал этади;

10. Департамент ва бошқармаларнинг функциялари унинг бўлимлари функциялари йиғиндисидан иборат.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси таркибидаги Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўлимининг функциялари:

а) қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит ажратишда Марказий аппаратнинг Кредит кўмитаси ваколати доирасида ҳудудий филиаллардан келиб тушган кредит йиғмажилдларни ўрганиб чиқиб, кўмигада кўриб чиқишга тавсия этиш;

б) қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган ҳар бир кредитнинг анкетасида (кредит фоизи ҳамда муддатида сўндирилмаса қайси ҳисоб рақамга чиқарилишини) тўғри киритилганлигини ва ажратилаётган тижорат кредитларини мақсадли ишлатилишини назорат қилиш;

в) қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредитларни ҳар чорақда инвентаризация қилган ҳолда маълумотлар базасини яратиб бориш;

г) мижозларнинг Департамент фаолиятига оид масалалар юзасидан йўллаган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ўрнатилган тартибда ҳал қилиш;

д) деҳқон ва фермер хўжаликларига мева ҳамда узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар сотиб олишга кредит ва микрокредитлар ажратиш, уларнинг ҳисоботини юритиш;

е) Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган йўналишлар, шу жумладан қишлоқ хўжалик техникаларининг алоҳида турлари учун кредитлар ажратиш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

ж) махсус кредит линиялар ва Жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш;

з) бўлим фаолиятига оид масалалар бўйича ички ва ташқи аудит хулосаларини ўрганиб чиқиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси таркибидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитларини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлимининг функциялари:

а) қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит портфели сифатини баҳолаш мақсадида кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни таҳлил қилиш ҳамда ажратилган кредитларнинг қайтмаслик хатари ошиб кетмаслигини ўрганиш ва сўндириш чораларини кўриш;

б) қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган тижорат кредитларининг жорий ва келгуси даврда муддати келаётганларини ҳудудий бошқармалар қирқимида тайёрлаб, кунлик мониторинг ўрнатиш ва кредитларни сўндириш чораларини кўриш учун ҳудудий бошқармаларга топшириқлар бериб бориш;

в) ҳудудий филиалларга қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар мониторинги масалалари бўйича ўрнатилган тартибда топшириқлар бериш ҳамда улар билан ёзишмалар олиб бориш;

г) жорий ойда сўндириш муддати келган кредитлар сўндирилишини таъминламаган филиаллар бўйича раҳбариятга маълумот киритиш.

“Agrobank” aksiyadorlik tijoret banki
Bank rasadotlovchisi bo'limi
185-sonli bilim ro'yxatiga olinadi
2015 yil "16" - oktabr
imgo

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси таркибидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муаммоли кредитлари билан ишлаш бўлимининг функциялари;

а) қишлоқ хўжалиги корхоналарининг муддати ўтган ва муаммоли кредитлари бўйича мониторинг олиб бориш;

б) қишлоқ хўжалик корхоналарининг муаммоли кредитлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун белгиланган тартибда захира шакллантириш чораларини кўриш;

в) тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан фермер хўжалиklarининг банк олдидаги қарзлари сўндирилиши бўйича ишларни ташкил қилиш;

г) муддати ўтган тижорат кредитлари бўйича мижозларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва сўндириш истикболларини белгилаш бўйича жойларга тегишли кўрсатмалар бериш;

д) муаммоли кредитларни ўсишига йўл қўйган ҳамда сўндирилишини таъминланмаган филиал раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан раҳбариятга таклифлар бериш.

Имтиёзли кредитлаш бошқармасининг Пахта ва ғалла ҳосилини кредитлаш бўлимининг функциялари:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма томонидан белгилаб берилган харажатлар меъёрига асосан банкнинг ҳудудий бошқармаларидан пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг ойлик кредитга бўлган талабини олиш, таҳлил қилиш, умумлаштириб кейинги ойнинг 5-санасига қадар Жамғармага етказиш;

б) Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармадан талабга асосан ажратилган кредит ресурсларини ҳудудий бошқармаларга етказилишини таъминлаш;

в) Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларига ажратилаётган ресурсларни Бош келишувда белгиланган (ғалла-10, пахта-15 календарь кун) муддатларда мақсадли ишлатилишини таҳлил қилиб бориш;

г) давлат эҳтиёжларига пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ўрнатилган меъёрлар доирасида имтиёзли кредитлар ажратилишини назорат қилиш;

д) пахта ва ғалла етиштириш харажатларига ажратилган имтиёзли кредитларни кредит портфелида тўғри акс эттирилишини назорат қилиш;

е) қишлоқ хўжалик корхоналарини имтиёзли кредитлаш жараёнида ҳудудий филиалларда аниқланган камчиликлардан келиб чиқиб, тегишли филиалларнинг бошқарувчилари ҳамда мутахассисларига нисбатан чора кўриш тўғрисида банк раҳбариятига таклиф киритиш;

ж) мижозларнинг Департамент фаолиятига оид масалалар юзасидан йўллаган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ўрнатилган тартибда ҳал қилиш;

з) Жамғарма томонидан ажратилган ресурс маблағларни ўрнатилган тартибда сўндирилишини назорат қилиш;

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki
185 raqamli filial to'yxatiga o'indi
20 15 yil "16" dekabr
kuzo

и) бўлим фаолиятига оид масалалар бўйича ички ва ташқи аудит хулосаларини ўрганиб чиқиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Имтиёзли кредитлаш бошқармасининг Пахта ва ғалла ҳосилини етиштирилишини мониторинг қилиш бўлимининг функциялари:

а) пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришни имтиёзли кредитлаш жараёнида экин ҳолатини мониторинги бўйича ҳар ойда фермер хўжаликлари қирқимида маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва натижаси бўйича маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Фермерлар Кенгашига ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

б) пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун имтиёзли кредитлар ажратишда филиал мутахассислари томонидан контракция шартномасидаги маҳсулот ҳажми ва ер майдони ҳақидаги маълумотларни тўғри киритилганлигини жойларга чиқиб, инвентаризация қилиш ва натижаси тўғрисида Бошқарувга ёзма ахборот бериш;

в) ажратилган имтиёзли кредитларни кредит портфелида акс эттирилишини таҳлил қилиш ва уларнинг қолдиқ ҳисоботини юритиш;

г) пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришни имтиёзли кредитлаш жараёнида экин ҳолатини мониторинги бўйича ҳудудий филиалларга чиқиб, мониторинг натижаларини (далолатномалар мавжудлигини) таҳлил қилиш ва натижаси бўйича таклифлар киритиш;

д) имтиёзли кредитлаш жараёнида уларнинг бўлғуси ҳосил ҳисобидан қопланиши ёки қопланмай қолиши, яқуний ҳисоб-китоблар ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан сўндириш тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни тайёрлаш,

Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар билан ишлаш бошқармасининг Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб Жамғармаси билан ишлаш бўлимининг функциялари:

а) давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун Жамғармалар томонидан ажратилаётган маблағларни “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар орқали жойларга ўз вақтида етказиб берилишини назорат қилиш;

б) етказиб берилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун махсус ҳисоб рақамлар орқали ўтказилаётган ҳисоб-китоблар ҳолати масалалари юзасидан бошқа банклар билан ҳамкорлик қилиш;

в) пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовут маблағларини сарфланиши бўйича маълумотларни йиғиб таҳлил қилиш ва раҳбариятга киритиш;

г) ҳосилдорлиги паст фермер хўжаликларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган мақсадли маблағларни сарфланиши бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва раҳбариятга киритиш.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар билан ишлаш бошқармасининг Қишлоқ хўжалик техникасини ҳисоб-китоб жамғармаси билан ишлаш бўлимининг функциялари:

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки
Bank metodologiyam va himm

185 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 15 yil - 16 - iyun 2008

imzo

а) “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси билан тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар юзасидан молиявий хизмат кўрсатиш;

б) “Ўзмашлизинг” шўба корхонаси билан тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар юзасидан молиявий хизмат кўрсатиш;

в) Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича Молия вазирлигининг кўрсатмалари бўйича ҳудудий бошқармалар билан ўрнатилган тартибда ишларни олиб бориш;

г) “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси ва “Ўзмашлизинг” шўба корхонасининг ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағларни умумлаштириб, таҳлил қилиш ва раҳбариятга маълумот киритиш.